

1. Инсоннинг инсонлиги — уни ишни қандай бошлаганидан билинади, лекин қандай тугатганидан эмас.

2. Кунглиндаги куркам ой, оғзингдан чиққач хираланади.

3. Сен агар фақат узини уйлайдиган ноданга ҳикматли суз айтсанг, у сени ё хурсанд қилади ё эса ҳафа.

4. Кишига билимига қараб яхшилик қил, ёмонга қилган яхшилигинг бошингга бало булиб тушади.

5. Отанг боласи булма, одам боласи бул! Одам боласи — элнинг лоласи.

6. Яхши одам кун сураиди, аммо оз берсанг ҳам рози булади. Ёмон одам оз сураиди, аммо кун берсанг ҳам рози булмаиди.

7. Ёлғиз бошинг учун меҳнат қилсанг, уз қорни учун утлаган ҳайвоннинг бири буласан, Инсоний бурчинг учун меҳнат қилсанг эса, олло-таолонинг суйган бандаси буласан.

8. Инсон боласини замона парвариш қилади. Кимда ким ёмон булса, айб замондошларида.

9. Агар давлат менинг қулимда бўлганда,

АБАЙ ҲИКМАТЛАРИ

инсон фарзандини тузатиб булмайди, деган одамнинг тилини шартта кесиб ташлардим...

10. Дунёда танҳо яшагандан — улган яхши. Ёлғиз одамни қайғу-ҳасрат босади, Дунёда нимаики бор: у яхшиликми, ёмонликми, хурсандчиликми, қайғу-ҳасратми — ҳаммаси халқда булади. Аввалгисига ким чидай олади? Кейингисисиз ким яшай олади?

11. Дунёда ким ёмонлик курмаган дейсиз?

Умидсизлик — бу ғайратсизликдир. Дунёда ҳеч муқим нарса йуқ, шунингдек ёмонлик ҳам мудом булмайди. Ахир, қорли қалин қаҳратон қиш кетидан кук майсали, ти-

ниқ сувли ёз келмасму?

12. Баджаҳл одам камгап келса, заҳари ичиди булгани. Борди-ю, ҳеч кимга гап бермай, лулилик қилиб шовқин солса, бу одам ё қурқоқ, ё эса мақтанчоқ келади.

13. Кувонч ва мағрурлик — мастликдир. Фақат мингдан бир кишигина бу нарсадан узини эҳтиёт тутиб юра олади.

14. Ишинг омади — уз вақти.

15. Дунё бир каттакон кул. Замона эса эсиб турган бир ел. Олдиндаги тулқин —

оғалар булса, кетидаги тулқин — инилардир. Навбат билан улишар, аввалгидай булишар.

16. Туядек буй бергандан, тугмадек ақл берган ортиқ. Сақолини сотган қаридан, меҳнатини сотган ёш ортиқ.

17. Мултони мулла эл талар.

18. Ёмон «дуст» — у бир куланкадир: қуёшли кунда қочсанг ҳам қутулолмайсан, булутли кунда эса изласанг ҳам тополмайсан.

19. Дустни йуқ билан сирлаш, дустни кун билан сийлаш. Яхши яқин бул, ёмондан — йироқ.

20. Ғайратсиз жаҳл — тул, қайғусиз ошиқ — тул, шогирдсиз олим — тул.

21. Бахтиёр булгунингча бахтингни элинг ҳам тилайди, узинг ҳам тилайсан, Бахтиёр булганингдан сунг эса — фақат узинггина тилайсан.